

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 27 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида келгуси йилда мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатлари: 2012 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мажлисида келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланишини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳажмлари ўсишини, шунингдек, инфляция даражаси ошиб кетмаслиги таъминланишини назарда тутувчи 2012 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича марказий иқтисодиёт ва молия идораларининг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди ва маъқулланди.

Муҳокама давомида алоҳида қайд этилдики, 2012 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси аҳоли турмуш шароитлари ва даражасида янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини оширишга, шунингдек, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини назарда тутди.

Мажлисида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни янада рағбатлантиришга, шу жумладан уларни ишлаб чиқарув-

чиларга илгари берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатларини узайтириш орқали рағбатлантиришга, капитал қўйилмаларга, йўллар ва қишлоқда уй-жойлар қуриш ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари кўламларини кенгайтиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳажмларини кўпайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида мазкур соҳада фаолият кўрсатётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиқ солиш шкаласининг минимал ставкасини бир фоизли пунктга пасайтириш, шунингдек, ҳозирги вақтда Ягона тариф сеткасининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш тармоқ тизимларининг базавий даражаси сифатида қўлланилаётган бошланғич разряд ўрнига биринчи разрядни белгилаш, разрядлараро тариф коэффициентларини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар аҳолининг барча гуруҳлари

реал даромадларининг кўпайишига кўмаклашади.

Солиқ сиёсати концепциясида белгиланган барча рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юқини 0,7 фоизли бандга пасайтириш имконини беради.

2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан умуман маъқулланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аҳоли бандлигини фаол оширишнинг муҳимлигини ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, республика Ҳукумати мажлисида жорий йилда иш ўринлари ташкил этиш чора-тадбирларининг натижалари, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳарлар кенгашлари депутатларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида республикада 815,5 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда – 512,4 мингта янги иш ўрни таш-

кил этилгани таъкидлаб ўтилди. Аҳоли бандлигининг энг юқори ўсиш суръатлари қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа соҳаларида қайд этилди.

Муҳокама давомида 2012 йил Дастури параметрлари меҳнат бозорига иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва ишчи кучи таклифини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида, демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш чора-тадбирларини давом эттириш, ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантиришнинг устувор вазибаларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда белгиланганлиги алоҳида қайд этилди. Дастурда ёшларни, энг аввало касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурнинг асосий йўналишлари, устувор вазибалари ва механизмларини жамоатчилик, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг муҳокама қилиш ташкил этилди.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2012 йилда қўшимча равишда 967,5 мингта янги иш ўрни, шу жумладан янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатётганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, кичик бизнес ва



хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш, шунингдек, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ташкил этиш назарда тутилган.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришилишини, шунингдек, илгари ташкил қилинган иш ўринларининг сақланишини ҳамда барқарор фаолият кўрсатишини сўзсиз таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш юқланди.

Муҳокама натижалари бўйича 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалда ҳал этишни давом эттиришга ҳамда шу асосда аҳоли даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган барча тадбирларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИГА ОИД ТАЛАБЛАР

Мамлакат Президенти томонидан 2011 йил 12 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» УРҚ-303-сон Қонун имзоланди. Қонун Ўзбекистон Республикасида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида жойлашган географик объектлар номлари соҳасидаги муносабатларни, улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга доир қисмида тартибга солади.

Чунончи, Қонун географик объектлар жумласига маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар), аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар), транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автобекатлар, метрополитен бекатлари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар), табиий объектлар (дарёлар, қўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари,

горлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, табиий чегаралар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектларни киритган.

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси белгиланган.

Қонунда географик объектларнинг номларига қўйиладиган талаблар белгиланган. Географик объектга берилётган ном географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши, мазкур географик объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши, маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиши, қоида тариқасида, кўпи билан 3 та

Қонунчиликдаги янгиликлар



сўздан иборат бўлиши, маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши, бошқа географик объектлар номларига ўхшашлиги билан янглишишга олиб келмаслиги, хурматсизлик мазмунда бўлмаслиги, Ўзбекистон халқининг

2-бетда

УШЎ
СОҶДА

3-бет

Бола парваришидаги она ишга чиқмоқчи

\$1 = 1761,61 сўм

5-бет

Меҳнат дафтарчасига тузатиш киритиш мумкинми?

€1 = 2427,14 сўм

6-бет

Лавозим тоифаси нимадан келиб чиқиб белгиланади?

£1 = 2810,47 сўм

7-бет

Хорижга чиқаётганда валюта қардан олинади?

¥10 = 231,06 сўм

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

тарихи, аъналари ва маданиятига мувофиқ бўлиши лозим.

Шунингдек, географик объектларга одамларнинг исми-шарифини бериш, уларни тарихий воқеалар шарофига номлаш амалиётдан четланилмоқда. Чунинчи, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига **одамларнинг исми-шарифини беришга**, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарофига номлашга, қоида тариқасида, **йўл қўйилмайди**. Кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат-сиёсий арбоблар исми-шарифини бериш эса **Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларга нисбатан мумкин**.

Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига, шу жумладан аэропортлар, вокзаллар, портлар, пристанлар, разъездлар, темир йўл станциялари ва бошқа объектларга, қоида тариқасида, энди **уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктларининг ёки улар таркибий қисмларининг, бошқа географик объектларнинг номларидан келиб чиққан ҳолда** ном берилади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси доирасидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят доирасидаги шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга, бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга **айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди**.

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга географик объектнинг бел-



гиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда, айрим географик объектларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда, агар географик объект географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса, географик объектларга одамларнинг исми-шарифини бериш зарур бўлганда, географик объектларнинг бир хил номлари мавжуд бўлганда рухсат этилади.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номлари ўз фаолиятини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, ўқув нашрларида, картографик, маълумотнома, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида фойдаланиш учун мажбурийлиги белгиланган.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан бошқа ҳолларда ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ҳужжат шунингдек, давлат органларининг географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлари ва функцияларини, географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибини, шунингдек, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштиришни тартибга солади.

Қонун 2011 йил 13 октябрдан – «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан **2011 йил 12 октябрдаги ЎРК-304-сон Қонун асосида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги 232-1-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси энди нафақат **янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш тўғрисида**, балки **уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар киритиш** ваколатига эга.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги (1996 йил 30 августдаги 276-1-сон) Қонунга киритилган ўзгартиришлар асосида **маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш, аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-журфий, геологик ва бошқа объектларга одамларнинг номини бериш** масалаларини тартибга солувчи меъёрлар чиқариб ташланди.

«Геодезия ва картография тўғрисидаги (1997 йил 25 апрелдаги 417-1-сон) Қонунга киритилган ўзгартиришларга биноан, **географик объектларнинг номларини белгилаш, нормалаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш** энди давлат аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари жумласига кирилади.

Қонун 2011 йил 13 октябрдан – «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

НЕФТЬ ВА ГАЗ РОЯЛТИСИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 11 октябрда 2277-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конларга нисбатан Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Нефть ва Газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик

учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. **Унга кўра, Нефть ва Газ конденсатига нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик (роялти) учун солиқ тўловчи сифатида Инвестор аниқланган. Ҳужжатда солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ ва ҳисобот даврлари, шунингдек мазкур солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби белгиланган.**

Ҳужжатда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилган.

2011 йил 21 октябрдан кучга кирди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР ДАСТУРИ

2011 йил 4 октябрдаги ПҚ-1623-сон Президент қарори билан ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоралар дастури тасдиқланди.

Хусусан, Ўзбекистон яқин бир неча йил ичида қуйидагиларни амалга оширишни режалаштирган:

амалдаги корхоналар негизида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш бўйича **48 та лойиҳа**. Лойиҳаларнинг умумий режалаштириладиган қиймати **658 млн АҚШ доллари**дан иборат бўлиб, шундан 176 млн АҚШ долларини – корхоналарнинг ўз маблағлари, 164 млн АҚШ долларини – Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, 210 млн АҚШ долларини – тижорат банклари кредитлари, 108 млн АҚШ долларини – хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этади;

умумий суммаси **787,6 млн АҚШ доллари** бўлган импортнинг ўрнини босадиган бутловчи узеллар, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш бўйича **77 та инвестиция лойиҳалари**;

қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини тайёрлаш ва бажариш муддатларини қисқартириш ҳисобига тез амалга оширилиши лозим бўлган **101 та инвестиция лойиҳалари**;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари иштирокида амалга оширилиши тақлиф этиладиган **20 та лойиҳа**.

Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш учун уларга нисбатан **лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга имтиёзли кредит маблағлари ажратишни, асбоб-ускунани 2016 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилишни назарда тутувчи имтиёзлар** ва бошқа имтиёзлар татбиқ этилади.

СТАНДАРТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ БАҲОЛАШ

Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 19 октябрда 2279-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (11-сон МБМС) «Хусусийлаш-

тириш мақсадида давлат уй-жой фонднинг қийматини баҳолаш» тасдиқланди.

Мулкни баҳолаш миллий стандарти (11-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фонднинг қийматини баҳолаш» (кейинги ўринларда – 11-сон МБМС)нинг мақсади хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат уй-жой фонднинг қийматини аниқлашнинг ва баҳолаш натижаларини акс эттиришнинг нормалари ва қоидаларини белгилашдан иборат.

Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фонднинг баҳолаш объектлари сифатида ижара шартномаси шартлари асосида фуқаролар фойдаланаётган кўп квартиралар уйлардаги квартиралар ва бир квартиралар уйлар (уйларнинг қисмлари); қайта қурилиши, таъмирланиши тугаллангандан кейин аҳоли кўчиб кирмаган ҳамда бўшатилган квартиралар, бир квартиралар уйлар (уйларнинг қисмлари); янги қурилган уйлардаги квартиралар белгиланган.

Ҳужжатга биноан, **11-сон МБМСнинг молиявий ҳисобот ҳужжатларидан асосий фарқи** баҳолаш объектини баҳолашда қўлландиган қийматнинг пул ифодаси тарихий факт эмас, балки объектнинг вақтининг аниқ пайтидаги фойдалиги баҳосидан иборат. Бу баҳолаш қиймати молиявий ҳисоботда акс эттирилган қийматдан фарқ қилиши мумкин.

Хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат: баҳолашга оид вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномани тузиш; баҳолаш объектини идентификация қилиш; ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш; якуний қийматни ҳисоблаш; баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш. Ҳужжатда ҳар бир босқич батафсил кўриб чиқилган.

11-сон МБМСга шунингдек уни қўллаш бўйича **услубий кўрсатмалар** илова қилинган.

Услубий кўрсатмалар баҳолаш буюртмачиси томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозимлигини назарда тутди:

– турар жойга кўчиб кириш учун асос бўладиган ордер;

– балансда сақловчи томонидан берилдиган баҳолаш объекти тўғрисидаги маълумотнома, жумладан уй-жойнинг қурилган йили, уй-жой жойлашувининг зоналиги, унинг бошланғич баланс қиймати (ўтказилдиган қайта баҳолашни кўрсатган ҳолда), йиғилган амортизацияси, қолдиқ баланс қиймати тўғрисидаги маълумотлар, уй-жойнинг нотурар жойлар майдони ажратилган ҳолдаги умумий майдони тўғрисидаги маълумотлар;

– уй-жой жойлашувининг зоналиги ҳамда квартиранинг қайта планлаштиришдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар мажбурий кўрсатилган баҳолаш объектининг инвентарь ҳужжатлар йиғмажили нусхаси.

Давлат уй-жой фонди қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектининг қийматини баҳолашда фақат **қолдиқ баланс қийматини аниқлаш**

4-бетда

УШБУ СОНДА:

УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

1-бет

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси **1-2, 4-бетлар**

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

– Қарзни воз кечиш воситасида узиш

– Бошқа шахсга ўтказиш – ҳисобга киритиш эмас

– Ариза берилмаганда

– Мен ишга чиқмоқчиман **3-бет**

ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Шартномаларга виза қўйиш: бош бухгалтернинг ҳуқуқими ёки мажбурияти?

– Қўшимча тўловга ҳуқуқ – рўйхат бўйича **4-бет**

КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Хронологияни бузишга йўл қўйилади

– Онага таътил беринг

– Лавозимни қандай қилиб тўғри қайта

номлаш мумкин

– Корхона ишламаса ҳам иш ҳақи

тўланадими?

– Тоифа нимадан келиб чиқиб бел-

гиланади?

– Вояга етмаганлар учун кафолатлар

– Ишдан бўшатиш: икки ҳафта аввал

огоҳлантириш керак

– Корхона қайта ташкил этилганда

– Хорижга хизмат сафари: валютани

қаердан олиш мумкин

– Бола 2 ёшга етгунга қадар нафа-

қани қим тўлайди? **5-7-бетлар**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

8-бет

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	27.10.2011	1	0,7869	1	1,0993	1	0,0258
Арманистон	27.10.2011	1	378,42	1	529,33	1	12,51
Беларусь	28.10.2011	1	8540	1	11960	1	282
Грузия	27.10.2011	1	1,6654	1	2,3202	1	5,4473
Қозоғистон	28.10.2011	1	147,85	1	206,86	1	4,89
Қирғизистон	28.10.2011	1	45,5795	1	62,3319	1	1,4464
Латвия	27.10.2011	1	0,505	1	0,702804	1	0,0165
Литва	28.10.2011	1	2,4643	1	3,4528	10	8,1515
Молдова	27.10.2011	1	11,6563	1	16,2215	1	0,3813
Тожикистон	28.10.2011	1	4,7536	1	6,6984	1	0,1584
Ўзбекистон	25.10.2011	1	1761,61	1	2427,14	1	56,22
Украина	27.10.2011	100	797,62	100	1110,8454	10	2,6089
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

Ташкилотимиз бизнинг шуъба корхонамиз билан қарз шартномасини тузди. Қарз олувчидан пул маблағларини қайтариб олиш имконияти йўқ. Биз олди-сотди шартномасини тузиш ниятидамыз, унга мувофиқ ШК бизга товарни қарз суммасида сотади. Бироқ ШКда ҳам, бизда ҳам улгуржи савдога лицензия йўқ. Бундай ҳолда қандай йўл тутишимиз лозим?

Бош бухгалтер.

ҚАРЗНИ ВОЗ КЕЧИШ ВОСИТАСИДА УЗИШ

– Аввало сиз ШКдан қандай товарни харид қилмоқчи эканлигингизни аниқлаштириш керак. Агар у **мазкур корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот** бўлса, олди-сотди шартномасини тузаётганда улгуржи савдони амалга оширишга **лицензия талаб қилинмайди**. Агар сиз ушбу товарни бошқа юридик шахсга олди-сотди шартномаси бўйича сотишга қарор қилсангиз, корхонангизга лицензия керак бўлади. Бироқ сиз уни лицензиясиз чакана реализация қилишингиз, хусусан, воситачилик шартномаси бўйича чакана реализацияга беришингиз мумкин.

Агар товар ШКнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланса, корхоналарингиз ўртасида Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – **ФК**) 342-моддасига мувофиқ воз кечиш тўғрисида битим

тузилиши мумкин, унда қарздор пул суммасини қайтариш мажбуриятини бажариш ўрнига товар тарзида воз кечиш ҳақини тақдим этиш мажбуриятини олишини назарда тутиш зарур.

Агар товарни ШК ишлаб чиқармаган, балки уни бошқа корхонадан сотиб олган бўлса, ушбу ҳолда улгуржи савдога лицензия бўлиши лозим ва у сиз юқорида баён этилган чизмани қўллаб бўлмайди.

Сизнинг ҳолатингизда қарзни сўндириш учун бошқа вариантдан фойдаланиш мумкин. Бу – ШКнинг устав фондини кўпайтириш. ШК қарзни сўндириш учун зарур **пул маблағларига** эга бўладиган вақт келиши билан устав фондини камайтириш ва мазкур суммани пул маблағлари ёки мол-мулк – ўша товарнинг ўзи билан олиш мумкин.

Хужжатлар намуналарининг зарур тўплами билан бирга воз кечиш тўғрисида битимлар тузиш тўғрисида батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

Елена ЕРМОХИНА, «Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ – ҲИСОБГА КИРИТИШ ЭМАС

Талабни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида битим тузиш мумкинми? Бу Президентнинг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-1504-сон Фармони 5-бандига зид келмайдими?

Корхона директори.

– Ҳа, ФКнинг 313-323-моддаларига мувофиқ мумкин. Президентнинг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон) 5-банди талабни бошқа шахсга ўтказишни эмас, балки **учинчи шахслар билан тўловлар ҳисобга киритилишини** тақиқлайди.

Фуқаролик кодексининг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидалари маъносидан келиб чиқиб, у шартнома бўйича тарафларнинг мажбуриятларини ўзаро сўндириш билан бирга **мажбуриятни тўхта-тишга** олиб келмайди. Бинобарин, талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишни учинчи шахс билан тўловни ҳисобга киритиш деб эътироф этиб бўлмайди, чунки ҳисобга киритиш мажбуриятни сўндиришни тақозо этади.

Шу тариқа, моҳиятига кўра, ПФ-1504-сон Фармоннинг 5-банди ва ФК 313-321-моддаларининг қоидалари бир-бирига зид эмас, чунки талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилганида тўловни ҳисобга киритиш юз бермайди, зеро **бошқа шахсга ўтказиш далили тўлов мажбурияти сўндирилганлигини билдирмайди**.

Бу ҳақда батафсилроқ «Ҳуқуқни тўғри тушуниш – тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя қилишнинг кафолати» («СБХ», 2003 йил 11 июлдаги 27–28 (467–468) ва «Банкротлик. Учинчи шахслардан тўлов қабул қилинади» («СБХ», 2003 йил 3 октябрдаги 40 (480)-сон) материалларида ўқинг.

АРИЗА БЕРИЛМАГАНДА

Корхонамизда бола туғилиши муносабати билан таътилга чиққан бир нечта ходима бор. Улардан бирининг эри ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин бир йилу 8 ой ўтгач бизга бутун вақт учун бола 2 ёшга тўлгунча уни парваришlash нафақасини тўлаш талаби билан мурожаат қилди. Бироқ биз нафақани фақат мурожаат қилинган кундан бошлаб тўлашга розимиз. Зеро илгари ундан нафақа тўлаш тўғрисида ариза келиб тушмаган. Биз ҳақлимизми?

Кадрлар бўлими бошлиғи.

– Худди шундай саволга жавоб «Болалар» нафақаси... 1,5 йилдан кейин» материалида чоп этилган («Норма маслаҳатчи», 2011 йил 20 сентябрдаги 38 (323)-сон).

Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ 3-бандига биноан ушбу **нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан**, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади. Ушбу нафақани тўлаш болани парваришlash таътили билан чамбарчас боғланган. Меҳнат кодексининг 234-моддасига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилди. Тегишинча, агар аёлдан болани парваришlash бўйича таътил беришлари тўғрисида ариза келиб тушса, ушбу ариза нафақа тўлаш учун мурожаат деб ҳам ҳисобланади.

Шу тариқа, **агар ходимангиз сизга болани парваришlash бўйича таътил бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган бўлса, ушбу ойдан бошлаб** (бирок ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугашидан олдин эмас) **нафақа ҳам тўланиши керак**.

Юқорида қайд этилган Низом 11-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, нафақа **иш берувчининг айби**



билан ўз вақтида олинмаган бўлса, ўтган вақт учун ҳеч қандай муддат билан чегараланмасдан тўланади. Бундай ҳолларда нафақа суммаси бирийўла тўланади.

Агар аёлдан унга болани парваришlash таътилин беришлари тўғрисида ариза келиб тушмаган бўлса, у ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин дарҳол ишга тушиши шарт. Ишга чиқиб санаси ҳомиладорлик ва туғиш таътили бериш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилиши керак. Ходима бола 2 ёшга тўлгунгача нафақа тўланган ҳолда болани парваришlash таътилидан фойдаланишга ҳақли. Бироқ бу ҳолда **таътил унинг аризасига кўра берилди ва ана шу ойдан бошлаб нафақа тўланади**.

¹МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

МЕН ИШГА ЧИҚМОҚЧИМАН

Ходимадан унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили ҳамда болани парваришlash таътили берилиши тўғрисида аризалар талаб қилиш керакми?

Кадрлар бўлими бошлиғи.

Менинг ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилим тугади. Болага энди ойим қараб туради, мен эса ишга чиқишни режалаштиряпман. Бироқ директор мени буйруқ билан болани парваришlash таътилга юборишни айтди. Мен ишлаш ҳуқуқига эга эмаслигим хусусида директор ҳақми, мен ишлашни хоҳласам-да, таътилга чиқишим керакми?

Ходима.

– 1. Меҳнат кодекси (МК)нинг 233-моддасига кўра, аёлга **ҳомиладорлик ва туғиш таътили** берилиб, давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўланади. Уни бериш тартиби Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ 4-параграфи билан белгиланади. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун ходима иш берувчига белгиланган тартибда берилган касаллик варақаси (меҳнатга қобилиятсизлик варақаси)ни тақдим этиши керак. Унингсиз иш берувчи ушбу таътилни бера олмайди ва пул тўлай олмайди. Аёлдан кўшимча хужжатлар талаб қилинмайди.

МКнинг 234-моддасига кўра, **ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб**, бу даврда қонун хужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Ушбу таътилнинг берилиши кафолат ҳисобланади, бироқ аёл учун у мажбурий эмас. Аёл ундан фойдаланишга ёки воз кечишга ҳақлидир.

Ишлаётган оналарга болани

икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг² 7-бандига биноан ушбу нафақани тайинлаш учун қуйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

а) болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза;

б) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Шу тариқа, ушбу таътилни бериш тўғрисидаги ариза шу жумладан нафақа тўлашни асослаш учун мажбурий хужжат ҳисобланади.

2. Иш берувчи шунчаки буйруқ билан ходимани таътилга «жўнатиб юбориши» мумкин эмас. Биринчидан, бу нарса унинг меҳнат ҳуқуқини бузади, иккинчидан, ушбу таътил ва нафақадан амалда болани парваришlashётган бошқа шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин (МКнинг 238-моддаси), тегишинча, буйруқлар уларнинг ҳуқуқларини ҳам бузиши мумкин, зеро фақат она ва юқорида кўрсатилган шахсларгина ким болани парваришlashини ҳал қилишга ҳақлилар.

¹Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майдаги 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.



Кўпинча шундай бўладики, аёлнинг соғлиғи ёки бошқа ҳолатлар унинг ўзига ишхонага ташриф буюриш имконини бермайди. Ушбу ҳолда у иш берувчини болани парваришlash таътилга чиқиш хоҳишидан оғзаки равишда хабардор қилиши ва қариндошлари ёки бошқа шахслардан унинг иш берувчига ёзган аризасини етказиб беришларини илтимос қилиши керак. Шунингдек ариза почта орқали билдириш билан жўнатилиши мумкин.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, **боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган кўшимча таътил** ҳам берилди. Бундай ҳолда ҳам ариза берилиши шарт, чунки айти унда аёлнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш хоҳиши акс эттирилади.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖ юрисконсулти Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2-бетда

усулидан фойдаланиш лозимлиги белгиланган. Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фонди қийматини баҳолашда балансда сақловчининг бухгалтерия маълумотлари бўйича уй-жойнинг бошланғич қиймати, уй-жой таркибига кирадиган нотурар жойларнинг (мавжуд бўлганда) бошланғич қиймати, шунингдек йиғилган амортизация, сўнгра инвентарь ҳужжатлар йиғмажилди маълумотлари бўйича уй-жойнинг майдони ҳамда уй-жой таркибига кирадиган нотурар жойлар (мавжуд бўлганда) майдони аниқланади.

Йиғилган амортизация 90 ва ундан юқори фоизни ташкил қилган тақдирда қолдиқ баланс қиймати сифатида бошланғич қийматининг 10 фоизини қабул қилиш зарур.

Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объекти қийматини аниқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, ёзма тарзда тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади. Унда баҳолаш объектига тавсиф берилади, йиғилган ахборот, ҳисоб-китоблар, баҳолаш объектининг якуний қиймати, баҳолаш базасининг тасдиғи, баҳолаш мақсади, шунингдек баҳолаш натижаларини тўлиқ ва бир хилда талқин қилишни таъминловчи барча фаразлар ва чекловчи шартлар баён этилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот рақамланган ва баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан бетма-бет имзоланган, тикилган, шунингдек баҳолаш буюртмачиси шартнома тузган баҳоловчи ташкилот раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ҳужжатда бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2011 йил 29 октябрдан кучга кирди.

ҲУЖЖАТ МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Марказий банк бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 21 октябрдан 1165-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, энди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан авиачипталар реализация қилинганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 августдаги авиаташиш хизматларини реализация қилишни тартибга солишга оид чоралар бўйича 224-сон қарори билан мувофиқлаштирилган.

2011 йил 31 октябрдан кучга кирди.

2011 йил 4 октябрдан 21 октябргача бўлган даврда қабул қилинган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Норма» МЧЖ юрисконсулти Абдурахмон БАХТИЕВ ва «APRIORI LIBERUM» АК адвокати Мария ТУХТАРОВА тайёрладилар.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ШАРТНОМАЛАРГА ВИЗА ҚЎЙИШ: БОШ БУХГАЛТЕРНИНГ ҲУҚУҚИМИ ЁКИ МАЖБУРИЯТИ?




Бозор иқтисодиёти шароитида тарафлар ўртасида, хусусан, хўжалик юретиш субъектлари ўртасида тузиладиган шартномалар субъектларга ўз фаолиятларини амалдаги қонун ҳужжатлари асосида юретишда ёрдам берадиган асосий юридик ҳужжатлар ҳисобланади.

Бунда шартномаларни тузиш чоғида қонунийликни таъминлашда корхоналарнинг юридик хизматига катта роль ажратилади, уларнинг фаолияти 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-1-сон Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 182-сон қарори билан тартибга солинади.

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига 2-илова) 7-банди 3-кичик бандининг «а» кичик бандига биноан шартномаларнинг лойиҳаларига юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан кейин виза қўйилади. Бунда бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларнинг (айниқса бухгалтериянинг) товармоддий ва бошқа бойликларни тасарруф этиш бўйича шартномаларга тааллуқли, шунингдек корхонанинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари бўйича роли ва вазифалари қонунчилик томонидан тартибга солинмаган.

Тушунтириб берсангиз, корхона бухгалтерияси (бош бухгалтер) хўжалик шартномаларига (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо) виза қўйиши шартми? Агар шарт бўлса, бунда мазкур хизматнинг роли ва вазифалари қандай бўлади?

Д.Муҳамедова,
техник сиёсат ва прогнозлаш
бош бошқармасининг бошлиғи.



– Бухгалтериянинг юридик шахслар томонидан тузиладиган шартномаларга мажбурий равишда виза қўйиши тўғрисидаги талаблар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган, бинобарин, мазкур таомилни бажариш ҳар бир аниқ корхонанинг хоҳишига боғлиқ.

Агар юридик шахс шартномаларга бош бухгалтернинг виза қўйиши мажбурий ва мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, мазкур талаб:

тузиладиган шартномаларга виза қўйиш масалалари бўйича корхонанинг локал ҳужжатида; меҳнат шартномасида;

мансаб йўриқномасида мустаҳкамлаб қўйиши мумкин.

Агар юқорида кўрсатилган ҳужжатларда бош бухгалтер учун виза қўйиш мажбурияти назарда тутилмаган бўлса, ушбу ходимларда тузиладиган ҳужжатларга виза қўйиш учун асос бўлмайди.

Ҳужжатлар намуналарининг зарур тўплами билан биргаликда корхонанинг таркибий бўлинмалари томонидан шартномаларга виза қўйиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар
бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

ҚЎШИМЧА ТЎЛОВГА ҲУҚУҚ - РЎЙХАТ БЎЙИЧА



Мен «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси тузилмасида тиббиёт ходими бўлиб ишлайман. Жорий йилнинг сентябрдан бошлаб биздан узлуксиз иш стажи давомийлиги учун тиббиёт ходимларига белгиланган устама олиб ташланапти. У Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорида (ВМнинг қарорига 2-илова VI бўлимининг 24-банди) қафолатланган эди. Тиббиёт ходимлари учун белгиланган устамалар эса 2011 йил сентябрдаги 647-сон буйруққа асосан бекор қилинапти, унга бош директор имзо чеккан, бироқ ушбу буйруқда бирор-бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ҳеч қандай ҳавола берилмаган. Ушбу буйруқ қонунийми?

Тиббиёт ходими.


– Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» қарори (2005 йил 21 декабрдаги 276-сон) билан Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом (бундан кейин – Низом) тасдиқланди. Ушбу ҳужжат билан стажга ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда айрим тиббиёт муассасалари, бўлинмалари ва лавозимларида узлуксиз иш стажининг давомийлиги учун устамалар белгиланган. Бироқ ушбу меъёр барча тиббиёт ходимларига татбиқ этилмайди.

Низом билан, унинг 1-бандига кўра, ҳужжатга 1-иловада кўрсатилган давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ягона қоидалари белгиланган. Улар Низомга 1-иловада саналган давлат муассасаларининг тиббиёт соҳасидан бошқа соҳалардаги мутахассисларга (биологлар, зоологлар ва паразитологлар ҳамда бошқа тоифаларнинг мутахассисларига) ҳам қўлланади. Бироқ Низом Президентнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон) билан ташкил этилган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига, шунингдек Бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси асосида иш ҳақи тўланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишчи ва хизматчиларига татбиқ этилмайди. Бундан ташқари, Низом билан Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлганлиги муносабати билан уларда ишлаш ходимлар тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек лавозимлар рўйхати (Низомга 2-илова) тасдиқланган.

Сизларга ушбу имтиёзлар татбиқ этилиши ёки этилмаслигини қатъий тарзда белгилаш учун хатингизда келтирилган ахборот етарли эмас. Бироқ юқоридаги маълумотларни ҳисобга олсак, сизнинг ташкилотингиз юқорида кўрсатилган рўйхатга кирмайди. Илгари сиз олган устамалар корхонангизнинг шунчаки локал ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши мумкин эди. Шу сабабли биринчи навбатда Низом сизга татбиқ этилиши ёки этилмаслигини аниқлашингиз керак. Бунинг учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан тақиқингиз ва юқори ташкилотга ёки бевосита Вазирлар Маҳкамасига, зеро ушбу ҳужжатлар унинг томонидан тасдиқланган, тегишли сўров юборишингиз зарур. Агар Низом сизга татбиқ қилинса, устамаларни бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қонунга зиддир ва унинг устидан юқори ташкилотга ёки бевосита судга шикоят қилиш мумкин.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юрисконсулти.

Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

ХРОНОЛОГИЯНИ БУЗИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИ



Қайд этиб бўлинган икки ёзув ўртасида хронология жиҳатидан бўлиши керак бўлган ёзувни меҳнат дафтарчасига қандай қилиб тўғри киритиш мумкин?

Кадрлар бўлими.

– Агар ёзув тушиб қолган бўлса, у хронологияни чалкаштиради, бироқ ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Кейинги тартиб рақамини, бугунги санани (ёзув қайд этилган санани, чунки ёзувлар ошиб боради) қўйиш керак. 3-устунга тушиб қолган ёзувни киритиш керак. Масалан, ходима котиба лавозимига қабул қилинди, кейин уни иш юритиш бўйича инспектор лавозимига ўтказишди, бироқ буни ёзишни унутишди. Кейин уни иш юритиш мудирининг ўринбосари лавозимига

ўтказишди. Ходимага ушбу ёзувни кўрсатишганда, у дафтарчада 2 йил аввал иш юритиш бўйича инспектор лавозимига ўтказилганлиги кўрсатилмаганлигини айтди. Бу ҳолда кадрлар бўлими ходими кейинги рақамни, бугунги санани кўяди ва қайси кун, ой ва йилдан бошлаб ходима амалда иш юритиш бўйича инспектор лавозимига ўтказилганлигини ёзади, шунингдек 4-устунда 2 йил аввалги буйруққа ҳавола қилинади.



ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

№№ Т/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатилган тўғрисидаги маълумотлар	Ёзув киритилишига асос (хужжат, унинг санаси ва рақами)
	йил	кун	ой		
1	2			3	4
				«Восток-дизайн» МЧЖ	
1	2006	14	03	Котиба лавозимига қабул қилинди	14.03.2006 йилдаги 19-к-сон буйруқ
2	2011	07	09	Иш юритиш мудирининг ўринбосари лавозимига ўтказилди	7.09.2011 йилдаги 35-к-сон буйруқ
3	2011	08	09	22.12.2009 йилдан иш юритиш бўйича инспектор лавозимига ўтказилди	22.12.2009 йилдаги 67-к-сон буйруқ

ЛАВОЗИМНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎҒРИ ҚАЙТА НОМЛАШ МУМКИН



Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори маъқулланиши муносабати билан штат жадвалига ўзгартириш киритилди, унда бир нечта лавозим қайта номланди, масалан, «таъминот бўйича агент» «тижорат агенти»га айланди. Буни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак? Мазкур ҳолда ходимларни бир лавозимдан бошқасига ўтказиш юз берадими?

Кадрлар бўлими.

– Меҳнат шартномаси ходимага ушбу шартномани тузиш чоғида унинг иш берувчи билан келишуви тақозо этган айни ўша ишни бажаришни кафолатлайди.

Меҳнат вазифаларини, яъни тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича ишни ўзгартиришни бошқа ишга ўтказиш деб ҳисоблаш керак (Меҳнат кодексининг 92-моддаси, бундан кейин – МК).

Масалан, штат жадвалида 2 бирлик мавжуд. Ходим «таъминот бўйича агент» лавозимидан «тижорат агенти»га ўтказилади.

Одатда, лавозим номи лавозим вазифалари доирасининг ўзгариши билан бир вақтда ўзгаради. Бундай вазиятда ходим бошқа ишга ўтказилган ҳисобланади. Яъни лавозим номининг тўлиқ ҳамда қисман ўзгартирилиши, ҳатто ходимнинг меҳнат вазифаларининг мазмуни ўзгармасида, меҳнат шартномаси шартларининг ўзгариши ҳисобланади.

МКнинг 92-моддасига кўра, бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Ходимни худди шу ташкилотдаги бошқа доимий ишга ёки ушбу ташкилот билан бирга бошқа жойга ўтказишни хоҳлаган иш берувчи ана шу ходимнинг ёзма розилигини олиши керак. Ушбу мақсадларда иш берувчи ходимдан тегишли ариза беришни талаб қилиши мумкин.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади (МКнинг 96-моддаси).

Мазкур буйруқ асосида тегишли ёзув меҳнат дафтарчасига ҳам киритилади.

Меҳнат кодекси меҳнат шартномаси шартларини иш берувчининг ташаббусига кўра ўзгартиришга йўл қўйиладиган баъзи истисно ҳолларни белгилайди. Чунончи, МКнинг 89-моддасига кўра, иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар

(маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир. Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт (МК 89-моддасининг учинчи қисми).

Ходим уни огоҳлантириш муддати тугагани кутмай, унинг меҳнат шартномасининг муҳим шартлари ўзгаришига (масалан, агар бу ўзгартиришлар натижасида ходимнинг аҳволи яхшиланса: иш ҳақи ошса, ходим учун янада қулайроқ иш режими ўрнатилса ва ҳоказо) розилик билдириши мумкин. Ушбу ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасининг шартларини ходимнинг ёзма розилиги олинган кундан кейинги кундан бошлаб ўзгартириши мумкин.

МК 89-моддасининг мазмунига кўра меҳнатнинг ташкилий ёки технологик шартлари ўзгаришлари билан меҳнат шартномаси шартларини ўзгартиришнинг зарурлиги ўртасида сабаб-оқибат алоқаси бўлиши керак.

Низо юзага келганда иш берувчи яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органларга меҳнат шартномасининг муҳим шартларини ўзгартириш меҳнатнинг ташкилий ёки технологик шартларини ўзгартириш, масалан, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясидаги ўзгартиришлар, уларни аттестациялаш асосида иш жойларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни таркибий қайта ташкил этишнинг оқибати бўлганлиги ва ходимнинг аҳволини жа-



1. Биз 2 ёшгача болани парваришлаш таътили тугаганидан кейин аёлга бола 3 ёшга тўлгунча иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришни ишлаб чиқариш зарурати муносабати билан рад этиш ҳуқуқига эгамизми?

2. Ходима аёл ишга 2002 йил 14 мартдан тушди. Ишга чиқмасдан кетма-кет 4 бола туғди: 2003 йил январь, 2004 йил сентябрь, 2006 йил сентябрь ва 2008 йил июнда. Корхона унга нафақа тўлаши шартми? Корхонамизда бундай ходимлар кўп.

«Фунча» МЧЖ кадрлар бўлими бошлиғи, ҳисоб-китоб бўлими бухгалтери.

ОНАГА ТАЪТИЛ БЕРИНГ

– 1. Йўқ, иш берувчи аёлга иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришдан бош тортишга ҳақли эмас, чунки у Меҳнат кодексида назарда тутилган меҳнат кафолатларининг биридир (МК 234-моддасининг иккинчи қисми).

Бироқ у ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин (МК 234-моддасининг тўртинчи қисми).

2. Шарт, чунки ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парваришлаш бўйича таътиллари бериш ҳамда тегишли нафақалар тўлаш билан боғлиқ меҳнат кафолатлари, уларнинг болалари миқдоридан қатъи назар, барча аёлларга татбиқ этилади.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юрисконсулти.

нат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома* (бундан кейин – Йўриқнома) билан тартибга солинган.

Йўриқноманинг 2.1 ва 2.2-бандларига мувофиқ бажарилаётган иш, бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги барча ёзувлар буйруқ чиқарилганидан кейин меҳнат дафтарчасига киритилади ва ушбу ёзув буйруқ матнига мувофиқ келиши керак.

Йўриқноманинг 2.12-бандида назарда тутилишича, меҳнат дафтарчаси «Иш тўғрисидаги маълумотлар» бўлимининг 3-устунида одатда ташкилотнинг штат жадвалига мувофиқ малакани кўрсатган ҳолда лавозим (иш), мутахассислик, касб номи кўрсатилади.

Йўриқноманинг яна ушбу бандига кўра, белгиланган тартибда ташкилотнинг штат жадвалига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар ходимларнинг эътиборига етказилади, шундан кейин уларнинг меҳнат дафтарчаларига иш берувчининг буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарорига асосан тегишли ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилади.

Фикримизча, кўриб чиқилаётган ҳолда иш берувчи штат жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги буйруққа асосан меҳнат дафтарчасига лавозимнинг қайта номланиши ҳақида ёзувни қайд этиши керак. Ёзув куйидаги тарзда бўлиши мумкин: «Таъминот бўйича агент» лавозими «тижорат агенти» деб қайта номланган», 4-устунга эса қайта номлаш асоси – иш берувчининг штат жадвалини ўзгартириш тўғрисидаги буйруғи, унинг санаси ва рақами қўйилади. Худди шундай ёзувни ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасига ҳам қайд этиш лозим.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
«Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими катта эксперти.

*Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.


ЛАВОЗИМНИ ҚАЙТА НОМЛАШ

? Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори асосида қилинган ўзгартиришларга мувофиқ меҳнат дафтарчаларига ёзувлар қандай киритилади?

Кадрлар бўлимининг бошлиғи.

– Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган) асосида иш берувчининг штат жадвалидаги асосий лавозимлар номлари ва ходимлар меҳнат дафтарчаларидаги ёзувларга ўзгартиришлар киритиш бўйича дастлабки қадами корхона бўйича буйруқ чиқариш ҳисобланади.

Буйруқ асосида ташкилотнинг штат жадвалига киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар ходимларнинг эътиборига етказилади. Шундан сўнг уларнинг меҳнат дафтарчаларига («Иш тўғрисидаги маълумотлар»



бўлимининг 3-устунига) иш берувчининг буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарори асосида тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритилади.


Масалан, 3-устунга «Агент» лавозими «Тижорат агенти» деб қайта номланган деб ёзилади, 4-устунга эса қайта номлаш асоси – штат жадвалини ўзгартириш тўғрисида иш берувчининг буйруғи, унинг санаси ва рақами кўйилади (Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома-нинг 2.12-банди).

Меҳнат дафтарчасидаги ёзув қуйидагича бўлиши мумкин:

ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Ёзув қайд этилишига асос бўлган ҳужжат, унинг санаси ва рақами
	йил	кун	ой		
1	2			3	4
				«Шарқ» МЧЖ	
1	2006	14	03	Агент лавозимига қабул қилинган	14.03.2006 йилдаги 19-к-сон буйруқ
2	2011	07	09	«Агент» лавозими «Тижорат агенти» деб қайта номланган	7.09.2011 йилдаги 35-к-сон буйруқ

Ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасига ҳам худди шундай ёзув қайд этилиши керак.



КОРХОНА ИШЛАМАСА ҲАМ ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНАДИМИ?

? Реконструкция, мукамал таъмирлаш муносабати билан, профилактик ювиш вақтида ва бошқа ҳолларда ишланмаган даврда бюджет соҳаси ходимларига иш ҳақи тўламаслик меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганми?

Р. Мирхўжаева,
бош шифокор.

– Йўқ, реконструкция, мукамал таъмирлаш, шунингдек профилактик ювиш муносабати билан ишланмаган вақт учун бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлайдиганларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайдиган алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат назарда тутилмаган.

Ходимларнинг ушбу тоифалари учун меҳнат ҳақи шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади (Меҳнат кодексининг 153-моддаси, бундан кейин – МК).

Меҳнат шартномасини тузар-

кан, иш берувчи ходимни ушбу шартнома билан белгиланган иш билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Агар ходимлар мажбуриятларини ўзлари айбдор бўлмаган ҳолда бажара олмасалар, иш берувчи уларга ишланмаган вақт учун МКнинг 159-моддаси билан белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда, яъни аввалги ўртача иш ҳақи доирасида ҳақ тўлаши шарт.

Мазкур меъёр мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тааллуқлидир.

ТОИФА НИМАДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНАДИ?

? Мен давлат корхонасида бухгалтер вазифасида ишлайман. Маълумотим ўрта махсус, 31 йиллик меҳнат стажига эгаман. 2010 йилдан корхонамизда I ва II тоифалар бўйича иш ҳақи тўлаш жорий этилган. Менга II тоифа бўйича иш ҳақи ҳисоблашади.

Ушбу лавозим тоифаси маълумот бўйича бериладими ёки ишлаган меҳнат стажига қарабми?

С. Досова, бухгалтер.
Тошкент вилояти.

– Хатингизда қайси давлат корхонасида ишлашингиз кўрсатилмаганлиги сабабли бу йўналишда қабул қилинган умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Авалло республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона

тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 103-сон қарори билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядли Ягона тариф сеткаси тасдиқланиб, уни қўллаш бюджетдан маблағ билан таъминладиган барча муассасалар ва ташкилотлар учун ҳамда ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси асосида белгилаш ўз молиявий фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-акционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурий деб таъкидланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги 181-сон қарори билан эса Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори тасдиқланган бўлиб, унда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номлари, ходимлар тоифаси ва ишга қабул қилишда маълумоти даражасига кўйилмаган энг кам талаблар белгилаб берилган.

Ушбу ҳужжатнинг 11-бандида хизматчиларнинг айрим лавозимлари бўйича олий, биринчи, иккинчи, учинчи малака тоифалари белгиланиши мумкинлиги, шунингдек мутахассисларнинг айрим лавозимлари бўйича малака тоифалари бир лавозим доирасида ташкилот раҳбари томонидан ҳам белгиланиши мумкинлиги қайд этилган.

Сизнинг саволингизга келсак, бухгалтерларга ойлик иш ҳақининг миқдори ходимнинг штат жадвалида амалда эгаллаган лавозим вазифасига кўра (биринчи ёки иккинчи тоифада) белгиланган миқдорда тўланади.

Шунинг учун сизга II тоифа бўйича иш ҳақи ҳисобланиши эгаллаган лавозимингизга боғлиқлиги, маълумотингиз ва иш стажингиз эса ходимни ишга қабул қилишда ва иш жараёнида инobatга олиниши мумкин бўлган талаблардир.

Мазкур меъёр мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тааллуқлидир.

? Мени синов муддати тугаганидан кейин ишдан бўшатишди, мен эса муддат белгиланганлигини билмаган эдим. Синов муддати белгилашнинг умумий тартиби қандай? Мен ҳали 18 ёшга тўлмаганлигим аҳамиятга эгами?

Газетхон.

– Ходимнинг унга топшириладиган ишга мувофиқлигини текшириш мақсадида синаш меҳнат шартномасининг кўшимча шартларидан бири ҳисобланади (МКнинг 72-моддаси). Шу сабабли у меҳнат шартномасининг ўзида (МКнинг 84-моддаси), кейин эса ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда қайд этилиши керак. Айни меҳнат шартномаси синов муддати билан ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади (МКнинг 82-моддаси).

МК 85-моддаси билан синовнинг энг кўп муддати белгиланади. Умумий қоидага кўра-

у 3 ойдан ошмаслиги керак. Қонун билан белгиланган синовнинг чегараланган муддатини на иш берувчининг ўзи, на ходим билан келишган ҳолда узайтириш ёки ошириш мумкин эмас. Дастлабки синов муддати вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабаб бўйича ишда бўлмаган бошқа даврлар ҳисобланмайди.

Ходимни синаш натижаларини баҳолаш ҳуқуқи иш берувчига тегишлидир, у синов муддати даврида ходимнинг қанчалик ишбилармон ва профессионал хислатларга эга эканлигини аниқлаши керак.

Шу билан бирга меҳнат шартнома-

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

сини тузиш чоғида ходим ташкилотда қабул қилинган локал меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаси, битимда назарда тутилган ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

билан танишмоғи; меҳнат шартномаси билан танишганлик ва олганлик далили ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ўзи учун меҳнат шартномасининг бир нусхасини олмоғи (МКнинг 82-моддаси) керак.



«Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш


ИШДАН БЎШАТИШ: ИККИ ҲАФТА АВВАЛ ОГОҲЛАНТИРИШ КЕРАК

? Ходимга тасдиқланган жадвалга кўра навбатдаги таътил берилди. Масалан, 2011 йил 11 октябрга-ча таътилда бўлган пайтида 2011 йил 8 октябрда у билан меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра 2011 йил 11 октябрдан, яъни таътил тугаган кундан бекор қилиш тўғрисида ариза ёзди.

Иш берувчи таътил тугагандан кейин икки ҳафта ишлаб беришни талаб қиляпти. Бундай қилса бўладими? Ишлаб бериш қандай муддатдан бошлаб ҳисобланади?

Кадрлар бўлимининг инспектори.

– Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини, 2 ҳафта олдин бундан иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 99-моддаси).



Ёзма равишда огоҳлантиришнинг асосий мақсади – иш берувчига ўз ташаббуси бўйича меҳнат шартномасини бекор қилаётган ходимнинг ўрнига янги ходим танлаш имкониятини беришдир. Иш берувчини бу ҳақда олдиндан ёзма равишда огоҳлантириб, ходим унга ана шу имкониятни беради. Бунда унинг ишда, таътилда бўлиши ёки касал эканлиги аҳамиятга эга эмас – ўз хоҳиши бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш

тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб **ушбу вақтнинг ҳаммаси меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддатига киритилади.**

Шу тариқа, агар таътилда бўлган ходим ўзининг меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисидаги хоҳишини ёзма равишда баён қилган ва бунда огоҳлантиришнинг 2 ҳафталик муддати таътил доирасидан чиқмаган бўлса, у билан меҳнат шартномаси кўрсатилган муддат тугагандан кейин бекор қилиниши керак. Агар таътилдаги ходим ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза топширса ва 2 ҳафталик огоҳлантириш муддати таътил пайтидан ташқарига чиқса, ушбу ҳолда ходим огоҳлантириш муддатининг кунлари тугашига қадар ишлаб бериши керак.

Сизнинг ҳолатингизда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб 2011 йил 22 октябрь ҳисобланади, чунки огоҳлантириш муддати таътил пайтидан ташқарига чиқади.

УЧУН КАФОЛАТЛАР

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин (МКнинг 87-моддаси).

Агар синов муддати тугаган, ходим эса ишлашда давом этаётган бўлса, у синовдан ўтган ҳисобланади. Ушбу ходим билан кейинчалик меҳнат шартномасини бекор қилиш фақат умумий тартибда амалга оширилиши мумкин.

МК 84-моддасининг учинчи қисмида ишга қабул қилиш чоғида синов белгиланмайдиган шахслар тоифаси белги-

ланган. Ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, **корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар** ишга қабул қилинганда, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

18 ёшга тўлмаган шахслар ушбу рўйхатга киритилмаган. Бироқ аҳолининг бандлигига кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш қолдиришда қийинчиликларга дуч келадиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони ажратилади (захира қили-



Ташкилотимизда қайта ташкил этиш мўлжалланяпти, бизнинг бўлинмамиз гўё алоҳида юридик шахс сифатида ажралиб чиқармиш. Бизни нималар кутяпти? Розилигимизсиз бизни ишдан бўшатишлари мумкинми?

МЧЖ ходими.

КОРХОНА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДА

– Давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани олгандан кейин **ажралиб чиққан** хўжалик субъектининг раҳбари асосий фаолият бўйича буйруқ чиқаради, унда қайта ташкил этилиш далили қайд этилади.

Қайта ташкил этилиш натижасида ходимлар бошқа лавозимларга ўтказилишлари мумкин, шунингдек улар билан меҳнат муносабатлари турли асослар бўйича, **юзага келган вазиятга боғлиқ ҳолда ва уларнинг розилиги билан** бекор қилиниши мумкин.


Шу сабабли ходимларни қайта ташкил этиш юз берганлигидан хабардор қилиш мақсадга мувофиқдир. Буни турли усуллар билан қилиш мумкин. Масалан, барча ходимларни имзо чекдириб раҳбарнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи билан таништириш ёки ҳар бир ходимга хабарнома юбориш, ходимларга умумий йиғилишда қайта ташкил этилиш тўғрисида маълум қилиш мумкин. Хабардор қилишнинг ёзма шакли афзалроқ.

Юридик шахсни (ташкilotни) қайта ташкил этишнинг ўзи ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси бўйича бекор қилиш учун асос ҳисобланмайди. Ходимларнинг розилиги билан меҳнат муносабатлари қайта ташкил этилишдан кейин ҳам давом этади (МКнинг 98-моддаси).

Агар ходим қайта ташкил этилган ташкilotда ишлашни давом эттиришга **рози бўлмаса**, ушбу ҳолда **у билан меҳнат шартномаси МК 100-моддаси** иккинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ уни қайта ташкил этиш муносабати билан **бекор қилинади.**

Агар ташкilotни қайта ташкил этиш ходимлар сони ёки штатини қисқартиришга олиб келса, **бўшайдиган ходимлар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш уларнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.**

Бунда иш берувчи сизни камида 2 ой олдин меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида фақат ёзма (имзо чекдириб) огоҳлантириши шарт. Огоҳлантириш муддати давомида ходимга ҳафтада камида бир кун ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади, бошқа иш қидириш учун кетган ушбу вақтга тўланадиган иш ҳақи сақланади. Огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврлари, шунингдек давлат ёки жамият мажбуриятларини бажариш вақти киритилмайди.



нади) (ВМнинг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига 1-илова). Таълим муассасаларини тугатган ёшлар айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш қидиришда қийинчиликларга дуч келадиган шахсларга кирадилар.

Шу сабабли агар сиз туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази томонидан ишга жойлашиш учун юборилган бўлсангиз, ишга қабул қилиш чоғида синов муддати белгиланмайдиган шахслар тоифасига кирасиз.

Хат мазмунидан кўринадики, синов муддатини белгилаш чоғида иш берувчи қонун талабларини тўлиқ бажармаган, бу эса мазкур масалани моҳиятига кўра назорат қилиш ва суд органларида кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

ХОРИЖГА ХИЗМАТ САФАРИ: ВАЛЮТАНИ ҚАЕРДАН ОЛИШ МУМКИН



Ташкilotимиз ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш ниятида. Биз банклардан ана шу ходимлар учун чет эл валютасини сотиб олишимиз мумкинми?

Валентина.

– Ҳа, мумкин. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкilotлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибининг (МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 6.3-бандига мувофиқ ташкilotларда **чет эл валюта-сидаги маблағлар бўлмаган ҳолда ташкilotлар чет эл валютасини ваколатли банклардан**, уларнинг чет эл валюта-сидаги хусусий маблағлари бўлган тақдирда, **сотиб олишлари мумкин.**



БОЛА 2 ЁШГА ЕТГУНГА ҚАДАР НАФАҚАНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?



Бюджет ташкilotи бола 2 ёшга етгунга қадар уни парвариш-лаш нафақасини тўлаши керакми?

Ташкilot ходимаси.

– Йўқ. Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 21-бандига мувофиқ 2008 йил 1 январда: бошлаб бола 2 ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича ижтимоий нафақаларни бюджет соҳасида ишлаётган оналарга **фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали** тайинлаш ва тўлаш **ходиманинг яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органлари** томонидан Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МАИМКВ, МВ, «Маҳалла» РЖ ва МБнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий
масалалар бўйича
эксперт-маслаҳатчиси.

бўлими катта эксперти Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ тайёрлади.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

SAR ва SIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

ТОП

ТОП

237-51-33

237-47-20

237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.</p> <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.</p> <p>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.</p> <p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.</p>	<p>«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.</p> <p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>Тез ва сифатли. Лазерли принтерлар ва ксероксларни жойига чиқиш билан таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 370-15-12.</p> <p>Принтерлар ва ксероксларни юқори малакали таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 157-31-19.</p> <p>Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмир-</p>	<p>лаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.</p> <p>Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.</p> <p>Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.</p> <p>Курилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p> <p>Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини ло-йиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p> <p>*Хизматлар лицензиялан-</p>	

WWW.PC.UZ - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 11 октябрдаги 10-1110/17344-сонли ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги «GOLD BUTTER» МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2011 йил 31 октябрь соат 12.00 да Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 1 ноябрь соат 16.20 да Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди биносининг 1-қаватида жойлашган 6-сонли суд мажлиси залида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Тел. 241-30-86.

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 8 августдаги 10-1109/12050-т-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги «VIERA LUX» МЧЖ бўйича тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-89-50 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 26 октябрдаги 10-1108/17472-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги «RITAKS QURILISH» МЧЖ (СТИП 300854488; юридик манзили: У.Носир кўчаси, 52-уй) банкрот деб эътироф этилди ва тугатув жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-318-хоналарда қабул қилинади.

Тел. 250-70-87.

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 октябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар рўйхати

Корхона номи	Қарор рақами
«ZAR BIZNES PLYUS» МЧЖ	10-1109/16347-т
«DESTIN TEXTILE» МЧЖ	10-1109/16348-т
«GIPPER-STROYMAKS» МЧЖ	10-1109/16349-т
«KOKO SARANG» МЧЖ	10-1109/16350-т
«SH AND N MEGA SERVICE» МЧЖ	10-1109/16351-т
«XONUM-BARAKA» ХК	10-1109/16352-т
«BESH YOG' OCH MILLIY TAOMLARI» МЧЖ	10-1109/16353-т
«STEEP MOBILE» МЧЖ	10-1109/16354-т
«TOSHKENT OFTOBI» МЧЖ	10-1109/16355-т
«SAFO MAX» МЧЖ	10-1109/16356-т
«ASLZODA-QUR-ORION» МЧЖ	10-1109/16358-т
«BUYUK SAN'AT PLYUS» МЧЖ	10-1109/16359-т
«KITCHEN COURT» МЧЖ	10-1109/16360-т
«GRAND MAX TRADE» МЧЖ	10-1109/16361-т
«JO'RA-NUR-SERVIS» ХФ	10-1109/16362-т
«HINDOI» ШК	10-1109/16363-т
«VETERAN-GRUP» ШК	10-1109/16364-т
«ESCLAP FARM» МЧЖ	10-1109/16365-т
«ALP JAMOL AVIA SERVIS» МЧЖ	10-1109/16366-т
«LENITUR SERVIS» МЧЖ	10-1109/16367-т
«KLASSIK DELUXE BIZNES» МЧЖ	10-1109/16368-т
«EUROASIA AGRO» МЧЖ	10-1109/16369-т
«PALYOD-SERVIS» МЧЖ	10-1109/16370-т
«AFROSIYOB INTERTAIMENT MEDIA» МЧЖ	10-1109/16371-т
«KHALBRO-TRANS» МЧЖ	10-1109/16372-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 24 октябрдаги ажримларига асосан Олмазор туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритишга қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган корхоналар рўйхати

Корхона номи	Ажрим рақами
«ELEKAF» МЧЖ	10-1114/18208
«DILOR SERVIS» ХФ	10-1114/18207
«XIMPLAST-OMEGA» МЧЖ	10-1114/18209
«3-IXTISOSLASHTIRILGAN MONTAJ»	10-1114/18210
«SARYOR-GROUP» МЧЖ	10-1114/18205
«Deliver Business» МЧЖ	10-1114/18206
«AL-AHBAP-BEK» ХФ	10-1114/18203
«BENIS PRS (SONITE-PRS)» ХК	10-1114/18202
«GAMMA-DESIGN ART» ШК	10-1114/18204

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Олмазор туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 4 ноябрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 401-хонада ўтказилади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2011 йил 16 ноябрь соат 10.00 да Олмазор туман ДСИ биносининг 4-қаватидаги 415-хонада кўрилади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57

E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келвермайдими.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босини, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Илгекке - 186 Буюртма 1289 Алади 3900. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 28 октябрда соат 19.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223